


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60320400 – Кутубхона ахборот фаолияти(фаолият турлари бўйича)
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи.....</i>	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши..</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....</i>	4
1.2.1.	<i>60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i>	5
1.2.3.	<i>60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</i>	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув варағи.....	9

1. 60320400 – Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва кечки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўққитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари; олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар; олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар; олий таълим ташкилотларига ўқишга қираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши – Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, ахборот-кутубхона марказлари, ахборот ресурс марказлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг кутубхоналари ҳамда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва тижорат ташкилотларининг кутубхоналарида, ҳамда архив муассасаларида,

ахборотлаштириш соҳасининг ривожланиш қонуниятлари ва замонавий концепциялари асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ комплекс масалаларнинг касбий соҳалар мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- ахборот-кутубхона ва архив тизимлари ва тармоқлари;
- фан ва таълимга тегишли маълумотлар базалари;
- ахборот-кутубхона ва архив тизимларининг дастурий таъминоти;
- ахборот-кутубхона ресурслари, ахборот-кутубхона жараёнлари;
- соҳа корхоналарида замонавий бошқарув тизимини ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш жараёнлари.

1.2.3. 60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- лойиҳавий-конструкторлик фаолияти;
- ишлаб чиқариш-технологик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув;
- фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш фаолияти;
- илмий-тадқиқот;
- консалтинг хизмати;
- педагогик (умуми ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида).

1.2.4. 60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий вазифалари.

60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида

– ахборот-кутубхона тизимларини лойиҳалаштириш;
– симсиз технологиялар, дастурий тизимлар ва воситаларни, ҳамда интеллектуал тизимларида ишлаш ҳамда бошқа касбий фаолият турларини бажариш;

– бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

– лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– амалиётда ахборот-кутубхона ва архив технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва услубологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятда

- ахборот-кутубхона ва архив фаолияти бўйича замонавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- электрон каталог маълумотлар базасини шаклантириш;
- автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимини бошқариш;
- электрон кутубхона яратиш ва юритиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятда:

- ахборот-кутубхона ва архив фаолияти бўйича норматив-услубий йўриқномалар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- ахборот-кутубхона ва архив муассасаларини бошқаришга оид ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- ахборот-кутубхона ва архив муассасалари ходимлари ва фойдаланувчиларга мўлжалланган библиографик қўлланмалар, кўрсаткичлар яратиш;
- хизмат кўрсатиш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот-кутубхона ресурсларини режалаштириш;
- ахборот-кутубхона ва архив хизмати кўрсатишга замонавий ахборот коммуникация технологияларини татбиқ қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш.

Фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш фаолиятида:

- ахборот-кутубхона муассасаларида хизмат кўрсатиш: ахборот, маълумот-библиографик, виртуал-маълумот хизматлари ҳамда илмий-услубий таъминотни ташкил этиш;
- ахборот-кутубхона муассасаларида қўлланилаётган ахборот технологиялари ва бошқа технологик жараёнларга доир дастурлар ишлаб чиқиш ва қўллаш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда ахборотни ҳимоялашга оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- Кутубхона-ахборот фаолиятига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

– ахборот кутубхона муассасаларида мутахассисларнинг фаолияти, ахборот-кутубхона хизмати бўйича мавжуд ҳолатларнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

– тайёргарлик ихтисослигига мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш.

Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):

– умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;

мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш.

2. 60320400– Кутубхона ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш қуникмаларига эга бўлиш;

- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш қуникмаларига эга бўлиш;

- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;

- стратегик таҳлил қилиш, рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қуникмаларига эга бўлиш;

- ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш, қидириш, узатиш;

- ахборот-кутубхона хизматларини кўрсатиш;

- ахборот-кутубхона фондларини шакллантириш;

- ахборот-кутубхона муассасаларининг иш жараёнларини автоматлаштириш;

- ахборот-кутубхона тизимларини лойиҳалаштириш;

- электрон кутубхона яратиш: электрон каталог, тўлиқ маълумотлар базаларини шакллантириш, йиғма электрон каталог яратиш;

- корпоратив ахборот-кутубхона тизимлари ва тармоқлари орқали фан ва таълимга тегишли маълумотларга эга бўлишни таъминлаш;

- ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш;

- ахборот-кутубхона фаолияти соҳасини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида Кутубхона-ахборот фаолияти таълим йўналиши фанларидан дарс бериш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

ахборот, ахборот-кутубхона муассасаси, ахборот-кутубхона маркази, ахборот-ресурс маркази, ахборот-кутубхона хизмати, жаҳон ахборот ресурслари, илмий таълимий ресурслар, электрон ресурслар, ахборотни қайта ишлаш, классификациялаш, маълумотни қидириш, аналитик, электрон каталог, ахборот-кутубхона фонди, корпоратив тизимлар ва тармоқлар, лойиҳалаштириш, стандартлаштириш, ахборот технологиялари, ахборот тизимлари, дастурлаш, дастурлаш технологиялари, глобал ва локал тармоқлар, компьютер тизимлари, интерфейс, маълумотлар тузилмалари, тизимли дастурлар, маълумотлар базалари, маълумотлар моделлари, операцион тизимлар, файл тизимлари, хотира, виртуал жараёнлар, электрон кутубхона, виртуал муҳит, бошқариш, бошқариш объектлари, ахборот хавфсизлиги, интернет хавфсизлиги, тизимли таҳлил, тизим тузилмаси, объектли дастурлаш.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети



Ректор в.б. _____ **Б.Махкамов**

202_ йил « _____ » _____

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор
технологиялари талғиб этиш маркази

Директор в.б. _____ **М.Эсонов**

М.Ў.



202_ йил « _____ » _____

Ўзбекистон Республикаси Ахборот
технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги Таълим
муассасалари фаолиятини
мувофиқлаштириш ва соҳа кадрларини
тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўлими

Бош мутахассис _____ **Х. Собиров**

М.Ў.



202_ йил « _____ » _____

Ўзбекистон давлат санъат ва
маданият институти

Ректор _____ **И. Юлдашев**

202_ йил « _____ » _____



Республика илмий педагогика
кутубхонаси

Директор _____ **Д. Ганиева**

202_ йил « _____ » _____

